Ушбу сонда:
2 Ижтимоий ҳимоя — БЕҒАРАЗ ЁРДАМ - КЎНГИЛГА МАЛҲАМ
3 Олтин мерос — «АВЕСТО» ВА «ШОҲНОМА»
4 Касаба уюшма спорти — ЎҚИТУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ «АЪЛО»ГА БАҲОЛАНДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 5 декабр, сешанба №174 (1006)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

XXI АСРГА 26 КУН ҚОЛДИ

Ҳар уй ўз чироғи билан нурафшон,
Ҳар бири хушхабар завқига тўлсин!
Меҳнат, ижод, умру юракдан жаҳон
Тинглагани фақат хушхабар
бўлсин!

Ойдин ҲОЖИЕВА.

ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ САРИ

ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, 1 ДЕКАБР КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МИНСКДА БЎЛИБ ЎТГАН ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТДИ.



Минск саммити МДҲ доирасида айни пайтда долзарб бўлган муаммоларни ечишга бағишланган билан эътиборлидир. Бу ерда ўтказилган Ҳамдўстликка аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши кун тартибидан Аксилтеррор марказини ташкил этиш, эркин савдо зонасини яратиш, илгари имзоланган, бугунги кунга келиб амал қилиш муддати тугаган ёки ўрнига янгиси қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш билан боғлиқ масалалар ўрин олган эди.

Террорчиликка қарши кураш борасидаги барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида МДҲнинг махсус маркази фаолиятини йўлга қўйиш Ҳамдўстликнинг ҳар бир давлати учун ўта муҳим масалалардан биридир. Зеро, террор бугунги кунда шунчалик кенг ва тез тарқалмоқдаки, унинг олдини олишга бир мамлакат ожизлик қилиб қолмоқда. Бундан ташқари, МДҲ ҳудуди террорчилик ва экстремизмнинг асосий ўчоқларидан бири бўлмиш Афғонистон билан бевосита чегарадош экани ҳам бу муаммога жиддий ёндашишни талаб этади. Сўнгги вақтларда МДҲнинг баъзи давлатлари учун бу иллат катта хавфга айлангани, ҳатто миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётгани Аксилтеррор марказини шакллантириш давр талаби эканидан далолат бермоқда.

Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг Аксилтеррор марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарор 2000 йил 21 июнда Москвада бўлиб ўтган саммитда қабул қилинган эди. Минск учрашувида таъкидланганидек, жорий йилда Ўзбекистоннинг жанубий, Қирғизистоннинг Тожикистон билан чегарадош ҳудудларига террорчи гуруҳлар таҳдид қилгани, шунингдек, Чеченистонда жангари тўдаларнинг ҳали янчиб ташланмагани марказ фаолиятининг йўлга қўйилиши нақадар муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу сабабли, Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари мазкур масалани имкони борича тезроқ ҳал этиш, марказ ишини такомиллаштириш зарур эканини алоҳида қайд этди. Минскда Аксилтеррор маркази низоми тасдиқлангани бу борада амалий қадам бўлди. Мазкур низом марказнинг ҳуқуқий мақоми, асосий мақсад ва вазифалари ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон томони бу ҳужжатга шунчаки имзо чекиб қўя қолгани йўқ. У низомга ўз қарашлари ва қўшимчаларини киритилиши талаби билан чиқди. Жумладан, мазкур марказ диний экстремизмга қарши курашда ҳам иштирок этишини таклиф қилди. Зеро, ҳозир террорчилар ўз ниятларини амалга оширишда диндан ниқоб сифатида фойдаланаётгани экстремизмнинг бу кўринишига алоҳида аҳамият қаратишни талаб этади.

Ислом Каримовнинг ҳар бир хорижий ташрифида минтақавий хавфсизлик масаласига катта эътибор берилади. Минск учрашуви ҳам шундай музокарадан холи бўлмади. Бу ерда Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон Президентлари иштирокида бўлиб ўтган уч томонлама мулоқотда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммоси кўтарилди. Бу муаммони ечишнинг Аксилтеррор маркази фаолияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳам кўп. Таъкидлаш жоиз, учрашув Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг илтимосига кўра бўлиб ўтди. Буни Ўзбекистоннинг бевосита иштирокисиз минтақада тинчликни таъминлаб бўлмаслигига яна бир ишора, дейиш мумкин. Давлатимиз раҳбари мулоқотда минтақада тинчликни сақлаш борасида Ўзбекистоннинг ўз қараш ва ёндашувларини батафсил баён қилди.

Ислом Каримов Минскда Россия Президенти Владимир Путин билан ҳам алоҳида учрашди. Бу мулоқотда томонлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, Ўрта Осиёнинг Афғонистон билан чегарадош ҳудудларидаги вазият билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. В.Путин Ўзбекистон Президенти билан доимий равишда шахсий алоқада бўлиб туришга илгаридан келишиб олинганини алоҳида таъкидлар экан, мазкур учрашув ҳам ўша аҳдлашувга биноан бўлаётганига эътиборни қаратди. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари Россия Президенти билан ҳар бир учрашуви фақат икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва ўзаро ишончни чуқурлаштиришгагина эмас, балки турли муаммоларни ечишда ҳам катта аҳамиятга эга эканини қайд этди. Мулоқот чоғида Президентлар халқаро террорчилик ва диний экстремизмга қарши икки томонлама асосда ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда фаол курашиш зарурлигига эътибор қаратди. Ислом Каримов минтақадаги вазиятга доир ўз қарашларини баён қилди.

Ўзбекистон ва Беларус ўртасида шу кунгача ўттиздан ортиқ ҳужжат имзоланган. Улар ҳаво транспорти, юк ташиш, контрабандага қарши кураш, маданият ва санъат соҳаларида ҳамкорлик масалаларини қамраб олади. Беларус Президентининг илтимосига кўра Ислом Каримовнинг Александр Лукашенко билан ўтказган учрашувида мавжуд икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш хусусида фикр юритилди. Президентлар, айниқса, савдо-иқтисодий муносабатларга катта эътибор қаратди.

Эркин савдо зонасини ташкил этиш Минск саммити иштирокчилари диққат марказида турган асосий масалалардан бири бўлганлигини алоҳида таъкидламоқ керак. МДҲ давлат бошлиқлари кенгаши мазкур зонани ташкил этишнинг бориши тўғрисидаги ахборотни қабул қилди.

Жорий йилнинг январ-сентябр ойларида Ҳамдўстлик давлатларининг ўзаро умумий савдо-сотиқ ҳажми, МДҲ статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига қараганда, 43 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39 фоиз кўпдир. МДҲ мамлакатларининг ўзаро савдо улуши уларнинг умумий ташқи савдоси ҳажмига нисбатан 28 фоизни ташкил этди. Бу 1999 йилдаги кўрсаткич билан деярли бир хил демакдир.

МДҲ ҳудудида эркин савдо зонасини яратиш режасининг амалга оширилиши аравани уч томонга тортаётган балиқ, оққуш ва қисқичбақа тўғрисидаги масалга ўхшайди. Бу ўринда Божхона иттифоқига аъзо давлатлар - Россия, Қозоғистон, Беларус, Қирғизистон ва Тожикистоннинг жорий йилда Бишкекда бўлиб ўтган учрашувда «Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти» деб аталмиш «янги тузилма»ни ташкил этгани тўғрисида сўз бормоқда. Гап шундаки, бу тузилманинг ҳам аслида эркин савдо зонасига ўхшашлик жиҳатлари кўп. Бироқ Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг саъй-ҳаракатлари аслида МДҲ доирасида икки турдаги савдо ҳудудини вужудга келтирадики, бу эркин савдо зонасини яратишнинг жадаллашувига муайян даражада тўсқинлик қилиши табиий.

Минск учрашувида томонлар эркин савдо зонасининг ҳуқуқий базасини яратиш, аввало, бу борада давлатлардаги илгари қабул қилинган ҳужжатларнинг кучга киришини таъминловчи ички жараённинг бажарилишига боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Эркин савдо зонасини яратиш тўғрисидаги битим (1994 йил 15 апрелда имзоланган) ва унинг протоколи (1999 йил 2 апрел) кучга кириши учун зарур бўлган ички жараён Ҳамдўстликнинг кўпчилик давлатларида ниҳоясига етказилган. Бироқ протоколнинг кучга киришини таъминловчи бундай жараён зонанинг энг асосий давлати - Россия Федерацияси, шунингдек, Грузияда бажарилмай келяпти. Россиянинг бундай сусткашлиги, табиийки, зонани яратишга катта тўсиқ бўлиб турибди.

Минскда Ўзбекистон ва Россия муносабатларида муҳим бўлган яна бир ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжат Ўзбекистон фуқароларининг Россия ҳудудида, россияликларнинг эса мамлакатимизда визасиз ҳаракатланишини кўзда тутади. Маълумки, Россия Ҳамдўстликнинг баъзи давлатлари билан виза тизимини жорий этиш тўғрисида келишувлар имзоламоқда. Бу эса азалдан борди-келдиси фаол бўлган мамлакатлар фуқаролари учун жиддий қийинчиликлар келтириб чиқариши табиий. Бироқ Ўзбекистон ва Россия ўзаро виза тизими тўғрисида ҳужжат имзолаб, мавжуд алоқалар ривожига тўсиқ бўлувчи бундай жараённинг олдини олди.

Келаси йил МДҲ ташкил топганига ўн йил тўлади. Ўтган муддат давомида тузилмага аъзо давлатлар томонидан юзлаб кўп томонлама ҳужжатлар имзоланди. Бироқ бугунга келиб улардан баъзиларининг амал қилиш муддати тугади, ижроси таъминланмади ёки уларни тўлдирувчи янги шартнома ва битимлар имзоланди. Бундай ҳужжатлар сирасига Ҳамдўстлик давлатларининг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги соҳасидаги ўзаро муносабатларини тартибга солиш, МДҲ мамлакатларининг давлат чегаралари ва денгиздаги иқтисодий ҳудудларини қўриқлаш ҳамда МДҲнинг мудофаа масалалари бўйича олий органларининг ваколатлари ҳақидаги, МДҲга аъзо давлатлар ўртасида стратегик кучлар бўйича битимлар киради. Шу сабабли, Минск учрашувида бу каби ўнлаб ҳужжатни бекор қилишга келишиб олинди.

Сўнгги йилларда МДҲга аъзо айрим давлатларда молиявий қийинчиликлар шу даражада кенг тарқалмоқдаки, уларнинг илдизлари баъзан тўғридан-тўғри ўша мамлакатларнинг ҳукумат идораларига бориб тақалмоқда. Бу эса коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олишда талай қийинчиликлар туғдиряпти. Россияда молиявий пирамидаларнинг ўз вақтида қанчалик урчиганини эслаш кифоя. Жиноий гуруҳлар ноқонуний йўл билан топган маблағларини қонунийлаштиришда деярли қийинчилик сезмаяпти. Бу эса аҳолининг жойларда давлат идораларига бўлган ишончига катта путур етказмоқда. Минск учрашувида кун тартибига қўйилган масалалардан бири айнан шу иллатга қарши курашишни кўзда тутади. Мазкур ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, эндиликда иқтисодиёт ривожига катта тўсиқ бўлиб турган бу муаммони биргаликда ҳал қилиш учун янги имкониятлар очилади.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Минск-Тошкент

«ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ» МАЖМУИ – МДҲда ЯГОНА

Истиқлол йилларида юртимиз кўркига-кўрк, чиройига-чирой қўшган қадим шарқ меъморчилиги ҳамда замонавий архитектуранинг энг жозибали намунаси бўлмиш гўзал иншоотлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Минглаб мактаб, лицей, шифохона, бозор, маҳалла гузарлари ва бошқа турли иншоотлар бугун халқимиз хизматида.

«Соғлом авлод йили»да ёш авлоднинг жисмоний камолоти, руҳий баркамоллиги учун кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Куни кеча Жиззах шаҳрида фойдаланишга топширилган «Олимпиа заҳиралари» спорт мажмуи ана шу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ягона ҳисобланган ушбу мажмуа — коллеж 750 ўринга мўлжалланган бўлиб, у жаҳон андозасига тўла мос келади. Хусусан, коллежда ўқувчиларнинг ўқиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар мавжуд. Ажойиб ўқув хоналари замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган. Иккита сузиш ҳавзаси, соғломлаштириш маркази, баскетбол, волейбол, кураш, бокс ва енгил атлетика заллари, теннис кортлари ҳамда мини футбол майдончалари ўқувчи ёшлар хизматида бўлади. Дарвоқе, 2001 йил «Баркамол авлод учун» шиори остида ўтказиладиган коллеж ўқувчиларининг I республика олимпиадаси айнан мана шу коллеж спорт мажмуида бўлиб ўтади.

Ўз бағрига 230 ўқувчини қабул қилган коллежнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ёшлар қўмитасининг раиси Азамат Зиё ва бошқа расмий кишилар, мураббийлар, спортчилар иштирок этдилар. Йиғилиш сўнггида вилоят ёшларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга миннатдорчилик мактуби қабул қилинди.

Шундан сўнг янги кошонада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ёшлар қўмитаси, Телерадиокомпания, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси томонидан уюштирилган «Жаҳолатга қарши маърифат ва санъат: XXI аср мусаффо осмони учун» мавзуидаги катта хайрия тадбири ўтказилди. Ушбу анжумандан тушган маблағ қишлоқ жойларидаги маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналарнинг моддий техника негизини яхшилашга йўналтирилади.

Шавкат ЁҚУБОВ.

САФАР САМАРАЛИ БЎЛДИ

Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг Шаркий Осиё мамлакатларига уюштирган илмий сафарининг навбатдаги боскичи якунланди. Шу муносабат билан Тошкентда экспедиция аъзочи якунланди. Шу муносабат билан Тошкентда экспедиция аъзолари сафар якунларига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилди. Унда республика илмий жамоатчилиги, шаркшунос ва адабиётшунос олимлар, журналистлар иштирок этди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов очар экан, истиқлол шарофати билан ташкил этилган мазкур экспедициянинг ҳар бир сафари мамлакатимиз маънавий-маърифий ҳаётида муҳим воқеага айланаётганини таъкидлади.

Айтиш жоизки, илмий гуруҳнинг асосий мақсади ўзга юртларда тили, дини, турмуш тарзи турлича бўлган пароканда халқларни ягона салтанатга бирлаштириб, асрлар давомида оқилона сиёсат юритган Бобур ва Бобурийлар сулоласи тарихи, мероси ва айни пайтда фаолиятининг бизга номаълум томонларини ўрганишдир. Шу боис, экспедиция аъзолари ўтган саккиз йил давомида саккиз марта илмий сафарга чиқди. Олиб борилган илмий изланишлар натижаси ўлароқ, Бобур ва Бобурийлар сулоласига оид янги маълумотлар асосида ўнта китоб, ўндан ортиқ видеофильм ва иккита ҳужжатли фильм яратилди. Энг муҳими, Бобур бобомизнинг бугунги кунда ҳинд диёрида яшаётган авлодлари аниқланиб, улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди.

Матбуот анжуманида экспедиция раҳбари, Бобур номидаги жамғарма президенти З.Машрапов ва гуруҳнинг бошқа аъзолари сўнгги сафар таассуротлари ҳақида сўзлаб берди. Уларнинг айтишича, экспедициянинг сафари Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон мамлакатлари бўйлаб 51 кун давом этган. Бу галги изланишлар нафақат шавкатли Бобур Мирзо ва унинг сулоласи, балки улуғ бобомиз Амир Темур хонадонига оид нодир топилмалар қўлга киритилганлиги билан ҳам янада аҳамиятли бўлди. Шунингдек, Бангладешда Бобурийлар ўтмишига оид алоҳида музей борлиги, унда Бобур даврида зарб этиган тангалар, сарбозлар кийими, замбарак, ўқ-ёйлар ва бошқа асори-атиқалар билан бир қаторда, шахсан улуғ бобомиз имзо чеккан Фармоннинг асли ҳам сақланаётганлиги маълум бўлди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев қатнашди.

(ЎзА).

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Шу йилнинг 14 декабр куни бўладиган Олий Мажлис сессияси кун тартибидан «Террорчиликка қарши кураш тўғрисида»ги конунни қабул қилиш масаласи ўрин олган. Ўзбекистон фуқароларининг сессияда муҳокама қилинадиган масалалардан хабардорлигини, уларнинг экстремизм ва террорчилик каби ходисаларга муносабатини аниқлаш мақсадида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан республика аҳолиси ўртасида экспресс-сўров ўтказилди.

Сўров Тошкент шаҳри ва республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилди. Унда аҳолининг барча қатламлари вакиллари - шаҳарликлар ва қишлоқ аҳли, эркаклар ва аёллар, турли ёшга ва миллатга мансуб фуқаролар қатнашди.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми «Терорчиликка қарши кураш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш тарафдори эканлигини билдириб, унинг долзарблигини таъкидлади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, кўпчилик фуқароларимиз фикрича, мамлакатимиз хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

Сўров жараёнида фуқароларга: «Экстремистик ва террорчилик гуруҳлари таркибида қўлига қурол олиб, давлат ҳокимиятини ағдариш ва мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни ўзгартиришга уринаётган кимсаларга нисбатан қонунчиликка қандай жазо чоралари киритилиши зарур, деб ҳисоблайсиз?», деган савол берилди. Олинган жавоблар «Террорчиликка қарши кураш тўғрисида»ги қонунга киритилиши лозим бўлган жазо чораларининг устуворлигини аниқлаш имконини берди.

Фуқароларнинг кўпчилиги (57 фоизи) уларга нисбатан олий жазо - ўлим жазоси қўлланиши тарафдори, ҳар беш кишининг бири эса умрбод қамоқ жазосини қўллаш лозим деб ҳисоблайди. Сўралганларнинг жавобларида жазога тортилаётган пайтда ҳар бир айбдор шахснинг жиноятчиликдаги иштироки ҳисобга олиниши лозимлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)

Ижтимоий ҳимоя

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ — КЎНГИЛГА МАЛҲАМ

Ёш авлодга таълим-тарбия беришдан ҳам улуғроқ касб бор эканми дунёда! Зеро жамият ўз келажагини ишониб бизга топшириб қўйибди, айни вақтда у турмуш шароитимизни яхшилашни бир зумга бўлсин унутаётгани йўқ. Вилоят тармоқ қўмитамизда олиб борилаётган ишлар асосан ходимларимизни ижтимоий ҳимоя қилишни янада яхшилашга йўналтирилганлиги ҳам шу боис.

Ўз рўзғорида бироз камчилик сезган ўқитувчининг кўнгли уйдан узилмайди. Бу албатта, унинг дарс бериш пайтидаги кайфиятига ҳам таъсир этади. Шу нуқтаи назардан воҳадаги мактаб ва болалар боғчаларида ишлаётган 533 нафар кўп болали аёлларга 800 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг 194 нафар фарзанди энг сўлим гўшаларда жойлашган «Вахшивор», «Чинорбулоқ», «Сино», «Хонжиза», Отарбоев номли болалар оромгоҳларида касаба уюшма қўмиталари ҳисобидан дам олдирилиб, соғломлаштирилди. Бу хайрли ишга бир миллион 417 минг сўм маблағ сарфланди. Кам таъминланган ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўғил-қизларига салкам 2,5 миллион сўмлик дарслик, ўқув қуроллари туҳфа этилди.

Яна бир гап. Биз ана шундай тадбирларга бош-қош бўлган, ташкилотчилиги билан алоҳида ажралиб турган фаоллар меҳнатини қадрлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Жумладан, Қумқўрғон, Шўрчи ҳамда Музработ туман касаба уюшма қўмиталари раисларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Умумхалқ байрамлари, шунингдек, касб байрамимиз барчанинг эсида қоладиган тарзда ўтказилишига ҳам муҳим аҳамият берилади. Чунки уларни ўтказишдан мақсад тўкин дастурхон атрофида кўнгилларни ёзишгина эмас, балки ўзаро тажриба алмашадиган, муҳим масалаларни баҳамжиҳат ҳал этадиган, умумий ишга туртки бўладиган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истакларни эшитиш ҳамдир.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейди халқимиз. Лекин, ростини айтганда,ишимизни қизғанамиз, гоҳо ўзбекчиликка бориб, турли ташвишлар сабаб дам олишни кейинги йилларга суриб қўямиз. Ана шундай ҳолларда касаба уюшмаси ташкилотчиликни ўз қўлига олиш керак. Бундай ҳолатларда ишловчиларга касабақўм раҳбари дам олиш уйлари ёхуд сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмаларни таклиф этса, ким йўқ дейди. Аксарият жойларда шундай бўлди ҳам. Йилнинг ўтган даври давомида 309 нафар ўқитувчи республика миқёсидаги «Чинобод», «Бўстон», «Турон», «Ботаника» сиҳатгоҳларида ҳордиқ чиқарди.

Узун ва Сариосиё туманларида террорчиларга қарши жангларда 2 нафар аъзомизнинг фарзандлари ҳалок бўлди. Булар Термиз Давлат университети ошпази Шоазим Абдуллаев ва шаҳардаги 13-ўрта мактабнинг ҳарбий таълим ўқитувчиси Чори Ҳусановлардир. Уларнинг хонадонида бўлиб, 50 минг сўмдан пул бердик. Қўлимиздан келганча кўнгилларини кўтардик. Бундан ташқари, террорчилардан талафот кўрганларга 100 минг сўм ёрдам пули ўтказдик. Албатта, моддий қўллаб-қувватлаш билан яраланган қалбга малҳам бўлиш қийин. Лекин, унинг кулфатига шерик бўлиш, ҳамдардлик билдириш каби хайрли ишни қилиш ҳам далда, ҳам кўнгил ярасига малҳам бўлади.

Келажак авлод қанчалар билимдон, теран фикрли бўлиб вояга етса, бахтимиз ҳам, бойлигимиз ҳам шу. Биз ана шу мақсад йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилаверамиз.

Холбўта ДОСОВ,
Сурхондарё вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

Қўшма корхона-кони фойда

ИСТЕЪМОЛЧИ ТАЛАБИГА МОС

Қаршидаги «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасига қарашли «Ўзбек-Сингапур» қўшма корхонасида 40 нафар киши меҳнат қилади. Бу ерда асосан ўсимлик мойи ва минерал сув қадоқланиб, истеъмолчиларга жўнатилади.

Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун энг зарур шарт-шароитлар яратилиб берилгани боис белгиланган самарага эришилмоқда. Маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан ҳар бир ишчи-хизматчига кунига 350 сўмдан тушлик пули берилаяпти. Уларнинг ўртача ойлик маоши эса 20-22 минг сўмдан ошаётир. Бундан ташқари, таътилга чиқаётганлар республикамиз сиҳатгоҳларида дам олиб, саломатликларини тикламоқдалар. Уларга ажратилган йўлланма корхона ҳисобидан қонланмоқда. Ишловчиларнинг 20 нафардан зиёд фарзандлари Яккабоғ туманидаги «Ёшлик» оромгоҳида ҳордиқ чиқардилар.

Буларнинг ҳаммаси ишчи-хизматчиларнинг астойдил ва баракали ишлашларида омил бўлаётир. Хусусан, йил бошидан буён 2500 тонна мой қадоқланиб, истеъмолчиларга жўнатилди. Айни кунда корхонада соатига 850 дона идишга ёғ, кунига 10 минг шиша минерал сув қадоқланмоқда.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

ОИЛАВИЙ ПУДРАТ ШАРОФАТИ

Республикамиз иқтисодий тараққиётининг устувор тамойилларидан бўлган ижтимоий ҳимоя Бекобод тумани «Янги ҳаёт» халқ корпорацияси касаба уюшмаларининг диққат марказида турган муҳим масалалардан биридир. Ўз-ўзидан аёнки, ходимлар соғлиғини тиклаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа турлари учун маблағ талаб қилинади. Бунинг учун эса хўжалик сердаромад бўлиши, кўзланган режалар ортиғи билан уддаланмоғи лозим.

Корпорация аъзолари мавсумда 11 минг тонналик улкан хирмон кўтаришни кўзлашган эди. Ишнинг кетиши ёмон эмас.

Мавжуд 900 та оилавий пудратчи орасида Турсуной Бойматова, Абдимўмин Бегимқулов кабилар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Йиллик шартномавий режаларни ортиғи билан бажарган корпорация ўз ишчиларини доимий равишда моддий ва маънавий рағбатлантириб бормоқда.

Суратларда: 1. Ҳосил чўғидан бригада бошлиғи Абдухалил Маматқулов (ўнгдан чапга), бош муҳандис Валижон Утегенов ва ижарачи Йўлдош Шодиевлар мамнун. 2. Лаборант Ҳабиба Ғофурова.

Темир ҚУРБОН.
Д.АҲМАД олган суратлар.

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг сайёр ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси III Қурултойи Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларнинг қандай бажарилаётгани, бошланғич ташкилотларнинг маънавият, маърифат соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қўшаётган ҳиссалари ва олдинда турган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, касаба уюшмалари бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш, санаторий, дам олиш масканларига йўлланмаларни тўғри тақсимлаш каби долзарб масалалар ҳам ўқув семинар кун тартибидан ўрин олганди.

ЧЕГАРА МУҚАДДАС ВА ДАХЛСИЗДИР

Жанубий-Ғарбий чегара қўшинларининг минтақавий штабида бўлиб ўтган йиғилишда 2001 йилда республикамиз давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш бўйича Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудидаги барча ҳокимият органлари ҳамда ташкилий тузилмалар кучларини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатларини ташкил этишнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Йиғилганлар Марказий Осиё минтақасидаги геополитик вазият, Ўзбекистон билан чегарадош мамлакатларнинг ички сиёсий аҳволи, 2001 йилда кутилаётган воқеалар ривожининг тахминий йўналиши, ҳолатларнинг эҳтимолий ўзгариш вариантлари билан таништирилди.

Йиғилиш қатнашчиларига 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тўғрисидаги қарорнинг асосий бандлари маълум қилинди ва моҳияти тушунтирилди. Унда Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг айрим туманларида чегара зоналари режимини жорий этиш ҳам кўзда тутилган. Бу эса йиғилишга таклиф этилган томонларнинг биргаликдаги ишларини мувофиқлаштириш, ўзаро яқин алоқаларни кучайтиришни тақазо этади. Шунингдек, жойлардаги айрим маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари, туман, шаҳар ҳокимликлари «Чегара посбонлари» отрядларини шакллантиришга, хусусан, улар учун кадрлар танлашга, посбонларнинг чегара ҳудудларини назорат қила олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга етарли даражада эътибор беришлари лозимлиги қайд этилди.

(ЎзА).

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

Жорий йилнинг сентябр ойида Президент Ислом Каримов алдов йўли билан, тасодифан, ёшлиги ва тажрибасизлиги туфайли давлат ва жамиятга қарши жиноий йўлга кириб қолган, тавба-тазарру қилиб ва ихтиёрий равишда авф этишни сўраб келган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги Фармонга имзо чеккан эди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг кўпчилик фуқаролари - 62,5 фоизи ушбу Фармонни юксак инсонпарварлик ва меҳр-шафқат намунаси деб билади ва қўллаб-қувватлайди, сўралганларнинг 24,6 фоизининг фикрича, бирон-бир жиноят жазосиз қолмаслиги лозим. Шундай қилиб, сўров натижалари Президент Фармони мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлашга, ҳар қандай жиноят жазосиз қолмаслигига, шунингдек, тавба-тазарру қилганларга нисбатан инсонийликка хизмат қилишига бўлган ишончида фуқароларимиз яқдил эканини кўрсатди.

Сўров натижалари яна шуни кўрсатдики, фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги мамлакатимиз раҳбарияти томонидан давлатимизнинг мудофаа қудратини, хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида экстремистик ва террорчилик гуруҳларига нисбатан қўлланган чораларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Жорий йилнинг 17 ноябрида Тошкентда республикамизнинг конституциявий тузумини зўравонлик билан ўзгартиришга, Президентимиз ҳаётига суиқасд қилишга, аҳоли ўртасида миллий ва диний низо қўзғашга уринган жиноятчилар гуруҳи устидан олиб борилган суд жараёни ўз ишини якунлади. Мамлакатимиз фуқаролари ушбу суд жараёнини диққат билан кузатиб бордилар. Чунки бу жараён одамларнинг ҳис-туйғуларига катта таъсир кўрсатди. Негаки, айбланувчилар мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни бузишга уриниб, давлатимиз ва ҳар бир фуқаронинг ҳаётига хавф солган эди.

Айбланувчилар устидан Ўзбекистон Олий суди томонидан эълон қилинган ҳукм, хусусан, экстремистик ва террорчилик ташкилоти раҳбарлари, мамлакатимиз ташқарисида яшириниб юрган Тоҳир Йўлдош, Жумабой Ҳожиев (ўлим жазоси), Салай Мадаминов (15,5 йилга озодликдан маҳрум этиш), кўпчилик фуқароларимиз томонидан ҳаққоний жазо сифатида маъқулланди. Шуни айтиш керакки, сўров қатнашчиларининг 87,7 фоизи мазкур ҳукмни қўллаб-қувватлаган бўлса, уларнинг 12,3 фоизи ҳукмнинг янада қатъийроқ бўлиши лозимлигини билдирди.

Сўров яна шуни кўрсатдики, Ўзбекистон фуқаролари диний экстремизм ва террорчилик туфайли мамлакатимиз қандай хавф-хатарга тушиб қолиши мумкинлигини яхши англайдилар. Террорчиликка қарши кураш бўйича олиб борилган суд жараёни якунларига муносабат халқимизнинг инсонийлик қиёфасини йўқотган қабиҳ экстремист ва террорчилик гуруҳларига нисбатан нафрати чексиз эканини, Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажагини қуриш йўлида янада қатъий ва аҳил ҳаракат қилишга сафарбар эканини кўрсатди.

(ЎзА).

«Ишонч» бонг уради

Аҳолини иш билан таъминлаш, кам таъминланганларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳак-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалардандир. Хўш, шундай экан, жойларда бу борада қандай юмушлар амалга оширилмоқда? Камчилик ва муаммолар нималардан иборат? Биз ана шу ва бошқа саволларга Пахтакор тумани касаба уюшмалари фаолиятидан жавоб топишга ҳаракат қилдик.

РАҲБАР МАСЪУЛИЯТСИЗ, КАСАБА УЮШМА ТОМОШАБИН БЎЛГАЧ...

Туманда 55 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шулардан меҳнатга лаёқатли кишилар 33 минг 400 нафарни ташкил этади. Лекин уларнинг 23 минг нафарига яқини иш билан таъминланган. Ажабланарлиси шундаки, жорий йилнинг 1 июлигача туманда бор-йўғи 39 нафар ишсиз рўйхатга олинган, холос. Тўғри, туманда бандлик дастури бўйича шу йилнинг ўзида 404 та янги иш ўринлари яратилди. 205 нафар киши эса квота ўринлари бўйича ишга жойлаштирилди. Бунда касаба уюшма ташкилотлари фаолларининг ҳам ҳиссаси бор, албатта.

Меҳнат бозорини барқарорлаштиришда деҳқон-фермер хўжаликларининг кўпайиши ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Масалан, фермерлар сони ўтган йил 1 январгача 190 нафар бўлган бўлса, жорий йилнинг 1 августигача уларнинг сони 380 нафарга етди. Бу эса ўз навбатида қўшимча иш ўринларининг вужудга келиш имконини берди. Бироқ, бу жуда кам. Юқорида келтирилган рақамлар ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Касаба уюшмалари Жиззах вилоят Кенгаши Раёсатининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида таъкидланганидек, Пахтакор туманида аҳолини иш билан таъминлаш, корхона, хўжалик, ташкилот ва муассасаларда ишловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳозирги замон талаби даражасида эмас.

Корхона ва ташкилот раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил ноябр ойидаги «Иш ҳақини ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажаришга ошиқмаётган кўринади. Бўлмаса тумандаги хўжалик ва корхоналар ишловчилар иш ҳақидан 5 миллион 416 минг сўм қарз бўлиб қолармиди?

Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларда «Меҳнат Кодекси»га тўлиқ амал қилинмаётганлиги боис баъзи ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари тўла таъминланмаётир. Айрим корхоналарда ҳанузгача одамларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномасини тузиш борасидаги камчилик ва нуқсонлар бартараф этилмаган. Ходимларни бошқа ишга ўтказиш, қабул қилиш тўғрисидаги буйруқлар билан таништирмаслик, бўшаб кетган ишчи-хизматчиларга меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаслик каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Хусусан, «Пахтакор» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раисининг шу йил 17 июндаги 30-сонли буйруғига асосан 19 июндан 9 нафар киши иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътилига чиқарилган. Аммо буйруқда таътил муддати кўрсатилмаган. Устига-устак ходимлардан ариза ҳам олинмаган ва улар мазкур буйруқ билан таништирилмаган. Шуниси ажабланарлики, мазкур палапартиш тайёрланган ҳужжатга корхона ҳуқуқшуноси ҳам жимжимадор қилиб имзосини чекиб юборавергани. Бундан ташқари, корхона раҳбарининг шу йил 13 майдаги буйруғига асосан ходим Улуғбек Маҳкамовдан тушунтириш хати олинмасдан унга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган. Афсуски, бунда ҳам ҳуқуқшуноснинг имзоси бор. Ёки ишдан бўшаб кетган 98 нафар ишчи ва хизматчининг меҳнат дафтарчаси ҳанузгача эгаларига қайтарилмасдан, корхонада сақланаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Туман Марказий касалхонасида ҳам ишдан бўшаб кетган 6 нафар ходимнинг меҳнат дафтарчаси ўз вақтида бериб юборилмаган. Жамоа шартномасига эса меҳнат муҳофазасига оид банд киритилмаганлиги боис ҳеч қандай маблағ ҳам ажратилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги камчилик ва муаммолар жойлардаги раҳбарларнинг масъулиятсизлиги сабабли юз бермоқда. Касаба уюшма қўмиталари раислари ва фаоллари эса бу ишда томошабин бўлиб туришдан нарига ўтмаётганликлари айниқса, ташвишланарлидир.

Абдуманнап АЗИМОВ,
Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧГА НИМА ЕТСИН

Навоий вилоят газлаштириш бошқармасида табиий газни тежаш, корхона, маиший хизмат нуқталари ва хонадонларга газ ҳисоблаш асбобларини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, Навоий шаҳри, Хатирчи, Конимех, Навбаҳор, Қизилтепа, Кармана, Навоий туманлари аҳолиси бу тежамкор асбобнинг қулайлигига амин бўлаётир.

Ҳозиргача вилоятда 3 мингдан ортиқ хонадонга газ ўлчагичлар ўрнатилди. Шунингдек, кўпгина саноат корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ҳам 1,5 мингта яқин ана шундай асбоб-ускуналардан фойдаланмоқда. Бу эса моддий бойлик исрофгарчилиги олдини олиш билан бирга, истеъмолчиларнинг ўзларига ҳам иқтисодий фойда келтирмоқда.

Соғлом авлод йили

ДАРДГА ДАВО ТОПИЛДИ

Урганч шаҳридаги Юрак жарроҳлиги марказида юраги туғма хаста бўлган ногирон бола устида ўтказилган операция муваффақиятли якунланди. Болага оғир дарддан халос бўлишга нафақат қўли гул шифокорлар, балки кўплаб саховатли кишилар ёрдам берди.

Тошкентлик етти ёшли Омон Муҳаммедов югуриш, сакраш, шўхлик қилиш каби болалик қувончларидан маҳрум эди. Ҳар қандай руҳий ҳаяжон фожеа билан тугаши мумкин эди. Омон ва унинг оиласига операция учун керакли маблағ тўплаган Ўзбекистон ногиронлар жамияти фаоллари катта ёрдам кўрсатди.

Операциянинг Урганч шаҳрида ўтказилиши тасодифий эмас. Чунки, машҳур украиналик жарроҳ Николай Амосовнинг шогирди, тиббиёт фанлари номзоди Қаландар Бобожоновнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бундан бир неча йил илгари энг мураккаб операцияларни амалга оширишга имкон берувчи ноёб тиббий марказ қурилиб, ишга туширилган эди.

Омонни операция қилган Қ.Бобожоновнинг сўзларига қараганда, бола деяли соппа-соғ ва қисқа вақт ичида тўлақонли ҳаёт кечира бошлаши мумкин.

Бироқ Қ.Бобожоновни шундай операциялар услуби ташвишга солмоқда. Зеро, Хоразм вилоятининг ўзида юрак хасталигидан икки мингга яқин бола азият чекмоқда. Муаммо шундаки, ўтказилаётган ҳар бир операция катта маблағ талаб қилади. Масалан, операция жараёнида қўлланиладиган материалларнинг қиймати бир неча минг АҚШ долларига тенг. Мутахассисларнинг фикрича, барча ҳаражатлар ўзини оқлайди. Бунда гап кўплаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг соғлиғини асл ҳолига келтириш ҳақидагина эмас. Ахир ҳар бир ногиронга ажратиладиган ижтимоий ҳаражатлар давлатимиз ва жамиятимизга бундан ҳам қимматга тушади. Афсуски, Қ.Бобожонов томонидан ташкил этилган ва шу каби операциялар учун маблағ йиғишга мўлжалланган «Юрак» жамоатчилик жамғармасига ҳамиша ҳам ҳомий топилавермайди.

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!

МАҲАЛЛА УНИВЕРСИТЕТИ

— Маҳалла аста-секин давлат идораларининг ваколатини бажариб боряпти,- дейди Хўжаобод шаҳридаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар кенгаши раиси Фозилжон Отахонов. - Чиндан ҳам аҳолини юртимиздаги буюк ўзгаришлар, Фармон ва қарорлар билан таништириб бориш, улардан зарур хулосалар чиқариб олишига эришиш муҳим вазифаларимиздан биридир.

Фаолларимиз иш кўламини ҳисобга олиб, маҳаллада тарбия-тарғибот маркази-университети ташкил этишга қарор қилдилар.

Ташаббусни туман ҳокимлигидан тортиб, барча давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари қўллаб-қувватладилар. 24-ўрта мактаб педагогик жамоаси ўз биносидан жой ажратиб берди.

Университет тингловчилари-маҳалла аҳли. Шунинг учун ҳам унинг биринчи машғулотига жуда кўп одам йиғилди. Маъруза ва суҳбатлар маҳаллий мисоллар асосида ўтказилгани учун ҳам тортишувларга бой, қизиқарли ва ғоятда таъсирли ўтди.

Университет дастуридан маҳаллада тадбиркорликни кенг қанот ёздириш, янги иш жойларини барпо этиш, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини яхшироқ қондириш, оилавий мусобақалар ташкил этиш, ёшлар тарбиясида маҳалла оқсоқолларининг роли сингари муҳим масалалар ҳам жой олганлиги эътиборлидир.

М.АБДУКАРИМОВ.

Олтин мерос

«АВЕСТО» ВА «ШОҲНОМА»

«Авесто» зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиб, инсоният тарихининг энг қадимги зарварақларидан ҳисобланади. У аждодларимизнинг турмуш тарзи, ҳаёти, эътиқоди, маданияти ҳақида қимматли маълумотлар беради. Йўлбошчимиз Ислом Каримов «Авесто» ҳақида шундай дейдилар: «Тарихи қарийб уч минг йилга борадиган, буюк фан ва маданият ўлкаси бўлган, жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ зотлар ватани «Авесто»дек ўлмас асар яратилган табаррук тупроқ - Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машҳур».

Дарҳақиқат, «Авесто» дунёга келгандан бери, ўз даврининг буюклари унга муносиб баҳоларини бериб келганлар. Не бахтки, XXI аср бўсағасида ҳам бу оламшумул асар тадқиқотчиларнинг диққат марказида турибди. Биз ушбу мақоламизда шарқнинг буюк мутафаккири Абулқосим Фирдавсий (940-1030 й.й. тахминан) ижодида «Авесто»нинг тутган ўрни ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Фирдавсийнинг асарларида акс этган кўпчилик қаҳрамонлар «Авесто»дан олинганлигини бизгача ҳам тадқиқотчилар қайд этишган. Бунга Қаюмарс, Жамшид, Ахурамазда, Ахриман кабилар мисол бўла олади.

Маълумки, зардуштийлик дини кўпхудолик ўрнида пайдо бўлиб, бунга ўша даврдаги ижтимоий тузум ҳам сабаб бўлган. Деҳқончилик сунъий суғоришга асосланганлиги боис аҳолининг ўтроқлашув жараёни бошланади. Ўтроқлик турмушининг афзаллиги Фирдавсийда шундай қайд этилади:

Ҳар ким экиб топар энди ўз нонин,
Кўчманчилик энди қийнамас жонин.

Аммо кўпхудолик уруғ, элат, қабилалар ўртасидаги зиддиятларни, қирғинбарот урушларни кучайтириб, аҳолининг тинкасини қуритган эди. Айнан шу нарса якка худоликнинг пайдо бўлишига замин яратди. Пайғамбар Зардушт (мелодгача 589-512 й.й.) дин йўлбошчиси бўлиб майдонга чиқди. Деҳқончилик маданиятини эгаллаш Ватанимиз тарихида узоқ давом этган жараён бўлиб, унинг ҳар бир соҳаси аждодларимиз турмуш тарзида ўз аксини топган.

Ўзи экиб, ўзи пиширар, ўрар,
Беминнат, бедакки ўз кунин кўрар.
Бировга қараммас, либос эгнида,
Кўнгли тўқ, қулоқ тинч, ханда лабида.

Ўтроқлик турмуш тарзининг бундай ёрқин, айни вақтда классик баён этилиши буюк истеъдоддан дарак беради. Унда машаққатли меҳнат, узоқ «йўл»нинг шафқатсиз синовлари, ҳаёт учун курашнинг беомон имконлари акс этган. У инсонни тоблади, пишитди, сайқал топтирди. Зеро, бунга аждодларимиз соф эътиқод, бутун иймон, юксак тартиб-интизом орқали эришганликларини ҳамиша ёдда тутмоғимиз даркор.

Зардуштлик динида - оташпарастликнинг таъсири кучли бўлиб, олов илоҳийлаштирилган, олов Қуёшнинг ердаги ўғли деб ардоқланган. Дарвоқе, «Авесто»да мадҳ этилган «Қуёш қасидаси» «Шоҳнома»да ҳам ўз аксини топган:

Тошдан ҳам чиқарди у оташ - олов,
Жаҳонга равшанлик сочди бу партов.
Бу оловмас, - деди - худо ҳадяси,
Энди шунга бўлсин юрак саждаси.
Шундан бери оташ қибласи бўлди,
Шуъласидан дилга ёруғлик тўлди.

Оташпарастлик дини пайдо бўлишининг бундай гўзал таърифланишини Фирдавсийнинг «Авесто»га бўлган чексиз эътиборидан излаш жоиз. Аллома инсон тафаккури, донолигининг намунаси ҳисобланмиш - «Авесто»га ниҳоятда катта ҳурмат билан қараган.

«Авесто»да ҳайвонлар илоҳийлаштирилган, сигирнинг сутидан илоҳий шарбат - хаомони ихтиро қилганлар. Туя, от, эчки, қобонга аталган мадҳиялар ҳам асарда ўз аксини топган. Отни тулпор деб эркаласа, туя «ғоят гўзал нортуянинг улуғвордир ўркачлари, қудратлидир оёқлари» каби таърифлар билан шарафланади.

Фирдавсий Қаюмарснинг набираси Хушангга таъриф бериб, уни ҳайвонларнинг ҳимоячиси, қўлга ўргатиб, парваришлаб юрувчи деб улуғлайди.

Ақлу хуш берганди унга хўп яздон (илоҳ),
Юртида не ҳайвон борки фаровон.
Қулон, кийик, архар, қўй каби зотни,
Ажратди новвосу эшак ва отни.

Илоҳий мажмуа билан донишмандларнинг ҳайвонларга берган баҳосидаги боғлиқлик бежиз эмас.

Ҳайвон терисидан кийим-кечак тикилганлиги ҳақида «Авесто»да мисоллар жуда кўп. Аждодларимиз чармдан кенг фойдаланганлар. Бу ҳақда «Авесто»да шундай ёзилган.

Қундуз пўстин кийгандир у - Ардвисура - Анаҳита.
Уч юз қундуз терисидан Тикилгандир қачонлардир.
Боққан кўзни тиндиргувчи Олтин, кумуш тусда порлар унинг мўйнаси.

Ўша даврлардаёқ ҳунармандлик аждодларимиз томонидан санъат даражасига кўтарилганлиги бу мисраларда ўз аксини топган. Буларнинг барчаси халқимизнинг юксак маънавияти, бетакрор истеъдодидан нишонадир.

Мусокул УСМОНОВ,
профессор.
(Давоми бор).

Манфаатлар уйғунлиги

НАМАНГАН УЧРАШУВЛАРИ

Яқинда Туркия тўқимачилик, трикотаж ва тикувчилик саноати корхоналари ходимлари касаба уюшмаси (ТЕКСИФ) вакилларидан иборат меҳмонлар Наманган вилоятига ташриф буюрдилар. Маълумки, жамият тараққиётининг барча соҳаларида абадий дўстлик ва ҳамкорлик ҳужжатига имзо чеккан бу икки дўст давлат ўртасида алоқалар тобора мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда. Жумладан, касаба уюшмалари ўртасида ҳам ўзаро тажриба алмашишлар ва борди-келдилар икки томон манфаатларига самарали хизмат қилмоқда. Денизили, Нозийли, Бурсин, Кокали вилоятлари, шунингдек, Бергама тумани касаба уюшма президентлари Чахит Каракол, Мехмет Гокогли, Мурат Каймак, Иброҳим Онер ва Хасан Тур Унгеллардан иборат меҳмонлар гуруҳини вилоят касаба уюшмалари Кенгашида самимий кутиб олдилар.

Меҳмонлар вилоят касаба уюшмалари ҳамда тармоқ қўмиталари фаолиятлари билан танишганларидан сўнг Косонсой туманида бўлишди. Бу ердаги «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси фаолиятини яқиндан ўрганиб, ишловчилар манфаатини муҳофаза қилиш, корхона бошқаруви ҳамда касаба уюшма қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги каби масалалар билан қизиқдилар, ишчи-хизматчиларга яратиб берилган шарт-шароитларни кўздан кечирдилар, ишловчилар билан бевосита мулоқотда бўлдилар.

Шунингдек, туркиялик касаба уюшма арбоблари Наманган шаҳридаги бир қатор саноат тармоқлари ва Поп туманидаги «Поп-Фен» қўшма корхонасида бўлишиб, касаба уюшма қўмитаси иш тажрибаси билан танишдилар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Йўлларимиздаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, назорат қилиш ДАН ходимларидан сергакликни талаб қилади. Агарда уларга ҳайдовчилар ҳам кўмаклашишса, нур устига аъло нур бўларди.

Суратда: Ойбек ДАН назорат маскани инспектори, милиция сержанти Машрабжон Ғаниев.

Газетхонлар илтимосига биноан

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга республика Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг меҳнат ҳуқуқ Бош нозири Карим МУХТОРОВ жавоб беради

Савол: Тиббиёт ходимларига бериладиган асосий имтиёзлар ҳақида маълумот берсангиз.

Л.Мирқосимова,
Тошкент шаҳри.

1993 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, бу Қонун 1994 йилнинг 1 апрелидан амалга киритилган.

Қонуннинг 9,11,12-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 250-сон қарори билан 1994 йил 12 майда тасдиқланган 2 ҳамда 3-сонли рўйхатларига мувофиқ меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ҳамда меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган тиббиёт ходимларига пенсияга чиқиш учун қонунда белгиланган (эркаклар 60 ёш, аёллар 55 ёш) ёшнинг 10 йилга ва 5 йилга қисқартирилган имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи берилган.

Демак, 2 ва 3-сонли рўйхатларда кўрсатилган ишлар, касблар ва лавозимларда ишлаган эркаклар 50 (55) ёшдан, аёллар 45 (50) ёшдан имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқларига эгадирлар. (2 ва 3-сонли рўйхатлар ҳажми катта бўлганлиги сабабли келтирилмади). Пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонуннинг 53-моддасига биноан ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар, иш ҳақи ёки бошқа даромадлардан қатъи назар, эллик фоиз миқдорида тўланади. Лекин қонунчилигимизда пенсия олиб ишлаётган тиббиёт ходимлари тўлиқ пенсия олиши мумкинлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

1999 йилнинг 17 мартида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга асосан 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққанидан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинган.

Кўрсатилган мутахассислар қуйидаги лавозимларда ишлаганда амалга оширилишини Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий таъминот, Меҳнат ва Молия вазирликлари томонидан 1999 йил 31 майда тасдиқланган «Ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган аёлларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби» кўзда тутилади:

Ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари (корхоналарнинг бўйсунишидан қатъий назар):

— тиббий регистратор, дезинфектор;

— барча турдаги тиббий ҳамширалар, меҳрибонлик тиббий ҳамшираси, фельдшер, доя (акушерка), лаборант, рентгенолаборант, инструктор, тиббий статист, тиш техниги, тиббий-ижтимоий ходим;

— операцион тиббий ҳамшира, тиббий ҳамшира анестезист, туғруқ уйи (бўлим)нинг дояси;

— санитар-шифокор, эпидемиолог-шифокор, паразитолог-шифокорларнинг ва энтамологнинг ёрдамчилари;

— катта тиббий ҳамшира, фельдшер, доя, ФАПнинг фельдшер ва дояси, тез ёрдам подстанциясининг фельдшери;

— ҳамширалик иши мутахассиси;

— санитарка, энага, энага-санитарка, овқатлантирувчи;

— беморларга қаровчи кичик тиббий ҳамшира;

— хўжалик бекаси, бошқа ўрта ва кичик тиббий ходимлар.

— барча турдаги муассасалар (корхоналар) провизорлари.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31-октябрдаги 392-сон қарорига мувофиқ қишлоқ жойда ҳам яшаб, ҳам ишлаётган врачлар, провизорлар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларига маиший хизмат кўрсатишдан, яъни яшаётган хоналарини иситишда бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Улар хоналарни иситишда марказлаштирилган иситиш тизимидан фойдаланишлари мумкин. Газдан фойдаланилганда фақат хоналарни иситишда имтиёз берилади. Бошқа ҳолларда, яъни овқат пишириш, чой қайнатиш ва ҳоказоларга газдан фойдаланганлик учун умумий тариф бўйича ҳақ тўланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли қарори билан хоналарни иситишда газдан фойдаланган ҳар бир тиббиёт ходиминнинг имтиёзли тариф меъёри тасдиқланган. Бу меъёрга асосан тиббиёт ходиминнинг иситиладиган яшаш жойи 40 метр квадрат майдони ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари учун бир ойлиги 240 метр куб, бир йиллиги 2880 метр куб, бошқа вилоятлар учун бир ойлиги 220 метр куб, бир йиллиги 2640 метр кубдан ҳақ олинмайди. Кўрсатиб ўтилган меъёрлардан ортиғига умумий тариф асосида ҳақ тўланади. Пенсиядаги шахс пенсияга чиқишидан олдин тиббиёт соҳасида қишлоқ жойда ишлаган иш стажи ўн йилдан кам бўлмаса, бу кўрсатилган имтиёздан фойдаланади.

Республикамиз ҳудудида газ билан таъминланмаган қишлоқлар ҳам бор. У ерда ишлаётган тиббиёт ходимлари тиббиёт муассасалари томонидан иситиш даври учун бир тонна кўмир билан таъминланиши керак.

Қишлоқ жойларида ҳам яшаб, ҳам ишлаётган врачлар, провизорлар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари электр энергиясидан бепул фойдаланадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги 582-сонли қарорига асосан электр энергиясидан фойдаланиш ойига 110 квт соатни ташкил қилади, ундан ортиғига амалдаги тўлиқ тариф бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Кўрсатиб ўтилган тиббиёт ходимлари хоналарни иситишдан ва электр қувватидан имтиёзли фойдаланади деган гап газ, иситиш ва электр энергияси билан таъминловчи идораларга ҳақ тўланмайди дегани эмас.

Соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан бу харажатларни ҳисобга олган ҳолда смета тузилиб, улар томонидан мазкур идораларга ҳақ тўланиши керак.

Тиббиёт ходимларига хоналарини иситишда ва ёритишда ўрнатилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишлари ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирининг 1997 йил 25 июндаги 06-9/356-сонли хати, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирига, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ҳамда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг раҳбарларига тиббиёт ходимларини бу имтиёзлардан фойдаланишларини тўлиқ таъминлаш тўғрисидаги 1997 йил 15 июлдаги 338-сонли буйруғи ҳам бор.

Тиббиёт ходимларининг даромадларига солинадиган солиқ бўйича ҳам имтиёзлар берилган.

Молия вазирлиги ва Республика Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1998 йил 23 февралда тасдиқланган «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га асосан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон Қарори билан тасдиқланган кўрсаткичлар ва 2-3 рўйхатларга киручи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар, меҳнат шароитлари ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир ишлаб чиқаришларда банд бўлган тиббиёт ходимларининг даромадларига Солиқ қонунида белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади. Бунда, юқорида айтиб ўтилган фуқароларнинг даромадларидан ушлаб қолиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим.

Обуна — 2001

Жиззах вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси тармоқда меҳнат қилаётган кўп болали, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келмоқда.

ХАЙРЛИ АНЪАНА

Тармоқ қўмитаси обуна мавсумида ҳам ана шу анъанани давом эттириб, 10 нафар хотин-қизларни 2001 йил учун «Ишонч» газетасига бепул обуна қилдирди.

«Ўғлим, қўлингдан келганча одамларга яхшилик қилгин. Ариқ қазиб, сув келтирган, кўприк ва йўл курган одамларни Оллоҳ ҳам, бандалари ҳам тоабадгача унутмайди», дегувчи эдилар бобом.

«Қашқадарёавтойўл» бирлашмасига қарашли Муборак тумани ҳудудидаги йўллардан бораркнман, хаёлимда бобом айтган сўзлар бот-бот такрорланди. Ойнадек сип-силлиқ, текис ва равон йўллар, йўл четига қўйилган ҳаракат белгилари, туман ва вилоятга тегишли бўлган турли кўрсаткичлар йўлсозлар билан суҳбатлашиш иштиёқини уйғотди.

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

- «Қашқадарёавтойўл» бирлашмасига қарашли Муборак тумани автомобил йўллар бошқармаси томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар 50 миллион 533 минг сўмлик иш бажарилди, - дейди бошқарма касаба уюшма қўмитаси раиси Рўзимурод Саидов. - Ўтган йили бошқармамиз 4 миллион 221 минг сўм даромад қилган эди. Жорий йилда ундан зиёдроқ натижани кўзлаяпмиз. Бу ҳам жамоамизнинг бахти.

Бошқармада ишловчиларнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган. Кундалик овқат пули, моддий ёрдам ва бошқа амалий кўмаклар оддий ҳолга айланган. Ўрнак кўрсатиб ишлаётган ходимларга дам олиш уйларига йўлланмалар тарқатилмоқда.

Тугалланаётган йилда йўл белгиларини ўрнатиш режада кўрсатилган 120 та ўрнига 211 та қилиб ортиғи билан бажарилди. Йўл туташмалари, пиёдалар йўлкалари тўла таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 2 та янги автобекат қурилиб, 300 метрлик тротуар фойдаланишга топширилди.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ҳаром луқма тешиб чиқади

РЎЁГА АЙЛАНГАН УМИД

Сорабиби ўғлига бир дунё орзу билан Умид деб исм қўйганди. Улғайгач туяниям қуйруқ-пуйруғи билан ямламай ютиб юборадиган юҳо, ўзгаларнинг ҳақидан кўркмайдиган юлғич бўлиб, исноднга қўйишини ўйлабди дейсизми? Минг афсуски, она умидлари саробга айланди. Умиднинг ўқишга ихлоси бўлмади. Ўрта мактабни амаллаб битказгач ҳам ақли кирмади. Кўча боласи бўлиб юраверди. Харбий хизматни битказиб келгандан кейин ҳам ахвол ўзгармади. Лекин ўтган йилнинг бошида кўча боласига инсоф кирдими, ёки... Ҳар қалай ҳеч кутилмаганда Умид Рўзиметовнинг шаҳардаги анча нуфузли 9-боғча-ясли мудирининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари қилиб ишга тайинланганини эшитган кўнгилдошлар ёқа ушлашди. Умид бирданига, ҳуқуқшунослар тили билан айтганда, мансабдор шахсга айланиб қолганди.

Хуллас, у бўлди — бу бўлди 9-боғча-ясли мудираси Қумрихон Раҳимова чеккан жимжимадор имзо билан ишга қабул қилинган Умид ўзига топширилган лавозимда қисқа, лекин анчайин сермаҳсул йўлни босиб ўтди. Яшик-яшик сариёғ, халта-халта шакар ва унлар, конфет, гўшт ва колбасалар, қўйингки, худди ўзан ҳосил бўлгандек ўз-ўзидан оқиб кела бошлади. Ҳаш-паш дегунча Умиднинг уйи озиқ-овқат дўконига айланди-қолди. Дастлаб ойиси Сорабиби бундан чўчиб бир нималар деган бўлса ҳам, кейинчалик ғойибдан келаётган бойлигу жарақ-жарақ пуллар домига тушиб, пинагиниям бузмай қўйди. Тез орада ўғли шаҳардан уй сотиб олди. Ишга «Тико» машинасида кела бошлади. Қизлар ҳам атрофида гирдикапалак бўлиб қолишди. Сорабиби уни уйлаб қўйишдан сўз очиб эди, кўнмади. Чўнтагида уяли телефон, кимлар биландир тез-тез гаплашадиган одат чиқарди. Ундаги бу ўзгаришни кўриб, қўшнилари яна ёқа тутишди. Кимлардир ойдан-ойга маош кутиб, кун кечиради. Кимлардир босартусарини билмай қолади.

Умид эса юргурги сомонхонагача эканлигини, бу ҳаромхўрлик учун қачон бўлмасин жавоб бериши муқаррар эканлигини билмасди. Боз устига фирибгарга яна ҳотамтойлик кўрсатилди. Шаҳар халқ маорифи бўлими мудири М.Маъмунов(ҳозир собиқ) Умид Рўзиметовга бошқа боғча-яслиларга ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари олиш учун розилик бериб юборди. Шундай қилиб, у ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳеч кимга гап бермай қўйди, қайга борса, Умиджон-Умиджон бўлиб қолди. Ҳали тажрибасиям, оиласиям йўқ ёш бир йигитнинг жуда катта миқдорда моддий жавобгар шахсга айланишида қандайдир бир сир борлигини кўпчилик англаб қолди-ю, аммо... Халқ ўртасида шундай бир латифа бор. Бир маҳалланинг товуқларига тулки дорибди. Тулки тунда уч-тўрт товуқни еганига шунчалик нарсаларни ишониб топшириб қўярмиди, дея шубҳага боришди, албатта. Ахир, косанинг тагида нимкосаси бор, дейдилар-ку! Энди бу ёғини эшитинг: Умид омборлардан, матлубот жамиятларидан олган маҳсулотларини кирим қилганини қилиб, қилмаганини сотиб пулга айлантираверди. Ҳисобот ходимларининг талаблариниям бажармади. Кўза кунда эмас, кунида синаркан. Ниҳоят, тегишли идоралар унинг молия фаолиятини тафтиш қилганларида 6 миллион 678 минг сўмлик озиқ-овқат товарлари ўғирланганлиги маълум бўлди.Умид Рўзиметов томонидан қабул қилинган, лекин ҳали ҳеч қаерга кирим қилинмаган озиқ-овқат товарлари орасида 205 минг сўмлик шакар, 1,4 миллион сўмлик макарон, 1 миллион 242 минг сўмлик томат пастаси, 101 минг сўмлик пиёз, 21 минг сўмлик пишлоқ, шунингдек сариёғ, мева-чева ва бошқа нарсалар бор эди.

Хоразм вилоят судининг судя М.Нурматов раислигидаги судлов ҳайъати шу йилнинг 11-октябр куни Умид Рўзиметов ишини кўриб чиқиб, давлатга етказган зарарининг катта қисми, яъни 4,2 миллион сўмини ундириб олди ва қолган қисминиям ундириб олишга қарор қилиб, уни олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Шу тариқа ўғлини ҳаромхўрликдан тия олмагани учун муштипар онанинг умидлари рўёга айланиб қолаверди.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Мутолаа

«МЕНИ ЁД ЭТ»

Биз тенгиларнинг болалиги Фахриддин Умаров ижодининг «гуллаган» даврига тўғри келади. Танглайимиз лирик хонанданинг оромбахш қўшиқлари билан кўтарилган десак лоф эмас. Ўша пайтларда қўшиқ сўзларини унчалик тушуниб етмасак-да, бетакрор овоз ва куй сеҳри дилларимизни ром этган бўлиб, каминанинг ҳам устоз йўлида унча-мунча хиргойи қилган жойи бор.

Лекин, тан олиш жоизки, мухлис сифатида шу чоққача юракни бир ҳадик кемириб келарди. Ҳофизнинг энг садоқатли шогирдларидан саналмиш Хожиакбар Ҳамидов билан бу тўғрида кўп суҳбатлашганмиз. Фахриддин Умаровнинг муборак 70 йиллик таваллуд оқшомлари арафасида нимадир ёзиш илинжида у кишининг уйларида бўлган чоғимизда ҳам шу хусусда фикрлашганларимиз ёдимда. Шунда устоз самимий кулимсиб, бунга ҳали эрта, қолаверса, ўзим ҳақимда ёзилажак китобга кетадиган фурсатни ғанимат тутиб, халқимга маъқул келадиган икки-уч қўшиқ армуғон этганим фойдалироқдир, дея эътироз билдирган эдилар.

Мана ниҳоят Фахриддин Умаровнинг кўп минглаб ашаддий мухлислари кўнглини босган ғубор кўтарилди — орзиқиб кутилган «Мени ёд эт» китоби босмадан чиқди. Муаллифлар — Набижон Боқий ва Хожиакбар Ҳамидов анчагина тер тўкканликлари кўриниб турибди. Гап унинг ҳажмида ҳам эмас. У бундан-да каттароқ бўлиши мумкин эди. Муҳими, шакл ва мазмун уйғунлигига эришилган. Гарчанд муаллифлар ўз ҳолича, мухлислар ўз ҳолича ва «Оҳанрабо тасмадаги ёзувдан» қабилида ҳофиз ўз ҳолича ҳикоя-га тушиб кетгандек туюлса-да, амалда улар бир-бирини тўлдиришга хизмат қилдирилган ва таъбир жоиз бўлса, уч хил қимматбаҳо матодан тикилган бежирим либос қуйиб қўйгандек эгасига ярашиб тушибди.

Санъаткорга, умуман эл назарига тушган кишиларга ҳеч қачон осон бўлмаган. Кўтар-кўтар ва осмонга олиб чиқишлар билан бир вақтда торт-торт ва кўтариб ерга уришлар доимо ёнма-ён юради. Ҳатто сўздаги кичик бир оҳанг минг хил тусмол, турли миш-мишларга йўл очиши мумкин. Фахриддин Умаров ҳам бундан мустасно эмас. «Айни ижодим гуллаб-яшнаган чоғларда кетма-кет ноҳақ зарбаларга учрадим. Ҳозир мундоқ ўйлаб кўрсам, бундай зарбаларга унча-мунча одам дош беролмасди, зарбаларга қандай қилиб чидаганимга баъзан ўзим ҳайрон қоламан...», дейди ҳофиз.

Начора, оқ матога қора ранг тез ёпишади. Фахриддин Умаровга насиб этган шон-шуҳрат ва яктолик шундайки, агар унга бунчалик маломат тошлари отилмаганда ҳозиргидан-да кўпроқ ажабланган бўлар эдик, эҳтимол? Академик Карим Йўлдошев шундай ҳотирлайди: «Кунларнинг бирида оғир беморни текшириб кўраётган эдим. Радио орқали Фахриддин ака куйлай бошлади. Бирданига бемор ётган жойида ашулага жўр бўлиб кетди. Ҳа, Фахриддин ака халқ дуосини олган санъаткордир. Шунинг учун у киши ҳеч қачон кам бўлмайди.»

Жўрабек Муродов, Ғуломжон Ёқубов, Камолиддин Раҳимов, Хайрулла Лутфуллаев, Нуриддин Ҳамроқулов, Бахтиёр Тўлаганов, Маҳмуджон Азимов... Улар кўп. Ниҳоллар кўпайиб боғ бўлгани каби Фахриддин Умаров закийсидан сув ичиб, кўкка бўйлаган шогирдлар даврасида ҳамон устознинг ўрни бўлакча. Атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов сўзи билан айтганда «Фахриддин аканинг қўшиқларини тинглаган одамнинг қалбига ҳаётбахш сурур, байрам кириб боради».

Аммо «Мени ёд эт» саҳифаларини кўздан кечира туриб, бир оғриқли фикр уйғонди: нега ўзига хос мактаб яратган Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов каби буюк санъаткорлар ҳаётлик чоғида шундай китоблар яратилмади? Армонлар юракни сирқиратади ва беихтиёр бугунги ёруғ кунларимиз — истиқлол шарофатидан дилда шукрона туғилади. Ҳали ҳам кеч эмас, қолаверса, бу хайрли юмушни охирига етказиш бизнинг келгуси авлод олдидаги қарзимиз ҳамдир. Зеро, бу хайрли йўналишда дастлабки қутлуғ қадамлар ташланди.

Зайниддин РИХСИЕВ.

Матонат ва маҳорат

ШОҲСУПАДА — НОГИРОНЛАР

Республикамизда халқаро ногиронлар куни муносабати билан кўплаб меҳр-саховат тадбирлари, спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Пойтахтдаги Республика олимпия ўринбосарлари билим юртида Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ногиронлар спорт ассоциациясининг ташаббуси билан «Ирода, жасорат, ғалаба» шиори остида «Соғлом авлод йили» ва Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб ўтказилган спорт мусобақалари бу борадаги энг йирик ва муҳим тадбирлардан бири бўлди.

Икки кун давомида республикамизнинг деярли барча вилоятларидан ташриф буюрган ногиронлар спортнинг тўққиз тури бўйича беллашиб, кўп сонли ишқибозлар олдида ўз матонат ва маҳоратларини намойиш қилдилар. Қизғин беллашувларда, айниқса, пойтахт вакиллари ўзларининг ғалабага бўлган интилишларини намойиш этдилар. Жумладан, дартс бўйича эркаклар ўртасида Сергей Нестеренко, аёллар ўртасида эса Сурайё Раҳимова ғалаба қозонган бўлса, бошқа спорт турлари бўйича ўтган беллашувларда ҳам совринли ўринлар асосан пойтахт вакилларига насиб этди. Шунингдек, мини футбол бўйича ақли заифлар ўртасида пойтахтдаги 33-мактаб ўқувчилари, эшитиш қобилиятидан маҳрум бўлган ногиронлар ўртасида Тошкент-1, ампутантлар ўртасида ҳам Тошкент-1 жамоалари ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. Шоҳмот ва шашка баҳсларида наманганликларга тенг келадиганлар топилмади. Хусусан, эркаклар ва аёллар ўртасида шашка беллашувларида Ф.Умаров ва С.Пўлатова, аёллар шоҳмот баҳсларида М.Ҳайдаровалар зафар қучишди.

Куч синашиш баҳсларининг гултожи бўлмиш пауэрлифтинг ва армрестлинг спорт турлари бўйича уч карра жаҳон чемпиони гулистонлик Умид Аҳмедов ёрқин ғалабаларни қўлга киритди. Пауэрлифтинг бўйича 48, 56 ва 100 килограммгача вазнларда Навоий вилояти спортчилари Эдуард Варламов, Мирзиёд Шаропов ва Иван Панафидинлар ғолиб чиқишиб, ўз жамоаларининг етакчилар сафидан ўрин олишига катта ҳисса қўшдилар. Таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган ногиронлар ўртасида стол тенниси бўйича Игор Кочак ва Муҳаббат Азимова барча рақибларидан устун келди.

Ногиронлар аравачасида 400 ва 800 метрга пойга баҳсларида ҳам тошкентлик тажрибали спортчилар Елена Окмянская ва Владимир Коротченколар энг кучлилар сафини бошқаришди.

Мусобақалар якунида совриндор ногирон спортчилар Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган фахрий ёрлиқ, диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, бир гуруҳ ногирон спортчиларга халқаро тоифадаги спорт устаси ва спорт устаси унвонлари берилди.

Д.ИСРОИЛОВ.

Ўқинг, бу қизиқ!

Дарахтлар, одатда, фақат кечаси - соат 21 дан эрталаб соат 6 гача ўсади. Австралиялик олим Гонзалеснинг дарахт ўсишини аниқлаш

ДАРАХТ ҚАЧОН ЎСАДИ?

борасида ўтказган текширишлари шуни кўрсатдики, дарахтларнинг 90 фоизининг ўсиши кунинг энг қоронғу пайтига, 10 фоизи эса оқшомга тўғри келаркан.

Куннинг иккинчи ярмидан соат 18 лар орасида дарахтлар «дам оларкан».

ҚАДИМИЙ САБЗАВОТ

Турп - қадимий сабзавот. Римлик тарихчи ва ёзувчи Плинийнинг шоҳидлик ёзишича, қадим мисрликларнинг энг кўп экадиган сабзавотларидан бири турп бўлиб, аҳоли унинг уруғидан ёғ ажратиб олган.

Пиёз билан турп хусусиятлари жиҳатидан (иштаҳа очиш, ошқозонга овқат ҳазм қиладиган суюқлик ажратиш ва ҳоказо) бир-бирига ўхшаб кетади.

Халқ табобатида турп азалдан кенг қўлланиб келади. Турп сувига шакар ёки асалдан тенг миқдорда қўшиб тайёрланган дори билан қўйқўтал, нафас олиш йўлларининг шамоллаб қолиши ҳамда бронхит касалликлари даволанган.

Сийдик йўлларида тош ҳосил бўлган беморлар ҳам шу дориди ичишса, яхши фойда беради.

Касаба уюшма спорти

ЎҚИТУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ «АЪЛО»ГА БАҲОЛАНДИ

Чирчиқ шаҳар «Олмос» спорт мажмуи ва «Бўстон» оромгоҳи клубида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан ҳамкорликда ташкил этган тармоқ ходимларининг I республика спартакиадаси бўлиб ўтди. «Соғлом авлод йили»га бағишланган мусобақаларда Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар жамоалари мини футбол, стол тенниси, шоҳмот ва шашка беллашувларида иштирок этдилар.

Спартакиаданинг тантанали очилиш маросими. Атроф байрамона безанган. Қиш эшик қоқиб турганига қарамасдан кўнгилларда баҳорий кўтаринкилик. Айниқса, ёш спортчилар ҳамда санъат ғунчаларининг ажойиб чиқишлари, куй-қўшиқлари мусобақа иштирокчилари ва томошабинлар қалбига ўзгача шукуҳ бахш этди...

Беллашувларни мини футболчилар бошлаб беришди. Жамоалар аввалига тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашдилар. Ўз гуруҳларида биринчи ўринни эгаллаган Наманган, Андижон ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри жамоалари кейинги босқичга йўл олдилар. Ярим финал баҳсларида пойтахтликлар Андижон вилояти жамоасини йирик ҳисобда (8:1) мағлуб этиб, финалда наманганлик таълим ходимларига рўбарў келишди. Кескин ва қизиқарли ўтган ўйин тақдири энг сўнгги дақиқаларда ҳал бўлди. 5:4 ҳисоби тошкентликларга бош совринни ҳадя этди. Учинчи ўрин пойтахт вилояти футболчиларига насиб этди.

Спартакиада дастуридан ўрин олган шоҳмот ва шашка мусобақалари ҳам жуда қизиқарли ўтди. Айниқса, беш нафар спорт устаси, олти нафар спорт усталигига номзод спортчи-ўқитувчиларнинг иштирок этиши баҳсларнинг муросасиз курашлар билан ўтишини таъминлади.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда Тошкент вилояти вакили, чирчиқлик спорт устаси Равил Кагировга тенг келадигани топилмади. У барча рақибларидан устун келиб, ғолибликни қўлга киритган бўлса, андижонлик Иброҳим Каримов ва фарғоналик Виктор Манинлар кейинги ўринларга муносиб кўрилди. Аёллар ўртасида эса тажрибали спорт устаси Лидия Малиничева (Тошкент шаҳри)нинг қўли баланд келди. Муқаддам Шокирова (Тошкент вилояти) ва Мавлуда Маҳкамова (Андижон вилояти)лар ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

64 катак узра баҳс юритган шашкачилар ўртасида умумжамоа ҳисобида фарғоналиклар ғолиб чиққан бўлса, шахсий биринчилик беллашувларида А.Ортиқов (Сирдарё вилояти) ва З.Сафина (Фарғона вилояти) биринчи ўринни эгаллашди.

Стол тенниси мусобақаларида эркаклар ўртасидаги беллашувларда А.Каримжонов (Андижон вилояти), О.Юсупов (Бухоро вилояти), М.Холматов (Фарғона вилояти) ҳамда аёллар ўртасида Г.Шаропова (Бухоро вилояти), В.Сон (Тошкент вилояти), А.Шин (Тошкент шаҳри)ларга омад кулиб боқди.

Мусобақалар якунланди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри спортчилари ғолиб бўлди. Андижон ва Фарғона вилоятлари таълим ва фан ходимларига кейинги ўринлар насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бухоро ва Наманган вилоятлари вакилларига мусобақалардаги фаол иштироклари учун Марказий қўмита фахрий ёрлиғи топширилди. Шунингдек, «Энг кекса иштирокчи», «Оилавий спортчилар», «Ғалабага бўлган иродаси учун» каби махсус совринлар ҳам ўз эгаларини топди.

Биз спартакиада иштирокчиларидан мусобақалар хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашишни сўрадик.

Музаффар Халилов, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят қўмитаси раиси ўринбосари:

— Бизнинг тармоқ ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси 10 та шаҳар ва туман қўмитасида 42 мингдан ортиқ таълим ва фан ходимларини бирлаштирган. Улар ўртасида спорт оммавийлигига катта эътибор қаратиб келмоқдамиз. Хусусан, «Соғлом авлод» давлат дастури ва Марказий қўмитанинг «Соғлом авлод йили»га бағишланган республика якуний спартакиадасини ўтказиш тўғрисидаги қарорини бажариш бўйича кўплаб ишларни амалга оширдик. Туман, шаҳар ва вилоят миқёсидаги мусобақалар зўр муваффақият билан ўтказилди. Бу каби тадбирларнинг кўнгилдагидек ўтишида, қолаверса, спортчиларимизни мусобақаларга тайёрлашда футбол мураббийси Шавкат Худойназаровнинг хизматлари катта бўлди. Вилоят спартакиадаси ғолиблари — 15 нафар спортчимиз ушбу мусобақаларда иштирок этдилар. Турли миллат вакилларидан ташкил топган терма жамоамиз совринли ўринлардан жой ололмаган бўлса-да, уларнинг иштирокидан қониқиш ҳосил қилдим. Зотан, спартакиада нафақат спорт тадбири, балки дўстлик, ҳамкорлик, санъат байрами ҳамдир.

Муқаддам Шокирова, Қибрай тумани 25-мактаб лицей ўқитувчиси:

— Шоҳмот беллашувларида қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Очиғи, баҳслар бунчалик муросасиз ўтишини кутмаган эдим. Келгуси спартакиадаларда ҳам иштирок этиш ниятидаман.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоаси Бош муҳаррир Мирғиёс Қаюмовга волидаи муҳтарамаси **МИНАВАР аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

♦ Яшин электр учқуни бўлиб, электр майдонининг кучланиши ҳаддан зиёд ортганда юзага келади. Ҳар бир яшин бир қанча электр импульсларидан ташкил топиб, ўрта ҳисобда ҳар 10 сониядан кейин пайдо бўлиб туради.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

♦ 270 квадрат километр жойни 15 метр қалинликда туман билан қоплаш учун бир челак сув кифоя.

♦ Токио кўрфазида бир йилда таркибида темир бўлган етти миллион тонна қум қайта ишланади. Ана шундай қум Курил ороллари ҳам топилди.

♦ Польша ҳудудида 9296 та кўл бор. Шулардан 7141 таси кичиккичик кўллар бўлиб, ҳар бирининг юзаси 1 гектардан 20 гектаргача етади. Бундай кўллар мамлакатдаги мавжуд кўлларнинг 77 фоизини ташкил этади.

♦ Шимолий муз океанидаги ороллар 22 мингта кўл борлиги ҳисоблаб чиқилган.

♦ Ер курраси нинг учдан икки қисми денгиз ва океанлардан иборатдир. Жаҳондаги барча океан сувларида миллиард тонналаб олтин, кумуш, минглаб тонна радий бор экан.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ЁШ МУСИҚАЧИЛАР УЧУН

Маданият ишлари вазирлиги Бухородаги Мухтор Ашрафий номидаги санъат билим юрти педагоглари ва талабаларига Японияда машҳур «Ямаха» фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий овоз ёзиш студияси ускуналарини совға қилди. Эндиликда билим юрти бастакорлари, созандалари ва ёш ижрочилари қарийб 20 минг АҚШ доллари турадиган овоз кучайтиргичлар, энг мукаммал магнитофон ва бошқа техника воситаларидан иборат студия ёрдамида ўз қўшиқ ва куйларини, халқ чолғу асбоблари дастаси ва симфоник оркестр концертларини сифатли ёзиб олиш ҳамда бу магнитли ёзувлардан радио ва телевидениеда кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, санъат билим юрти Германиянинг «Вольтмейстр» фирмасида ишлаб чиқарилган аккордеон ва баянлар билан ҳам таъминланди.

(ЎзА)

Табиат ва биз

ТИПРАТИКАН ҲАҚИ

Туш пайти. Овдан чарчаб, қаерда дам олсам экан, деб айикка ўхшаш қоянинг оркасига ўтсам, барглари тўкилган дўлананинг тўқ сарик-қизғиш мевалари иштаҳамни кўзғатди. Дарахтга яқинлашишим билан ўнтача каклик учиб қолди. Таваккалига узган ўқларим бекор кетмади, какликларнинг бири ғаласидан ажралиб, пастқоқдаги ёнғоқзор орасига тушди.

Сўнг жилваланиб оқаётган сой бўйида дам олиш учун хазонлардан жой ҳозирлай бошладим. Шунда югуриб келаётган олма ва баргларга кўзим тушди.

... Типратикан экан. Мунчоқдек кўзлар менга ҳайрон боқарди. Унинг устини барглардан тозалаб қўйиб юбордим. Хазон «болиш»га ёнбошламоқчи эдим, қаттиқ нарса борлигини сезиб қолдим. Тош уюми эканми, деб қарасам, бир талай олма. Сал кам қирқтача сара тоғ олмаси. Бир-иккита олмани еб, қолганини эса «Сизларга қуён бериб юборди», — деб қизларимга совға қилмоқчи бўлиб, йўлга тушдим. Сой бўйлаб кетар эканман, ўзимни худди беадаб иш қилиб қўйгандек ғалати ҳис қила бошладим. Юким оғирлашиб, ов халтамнинг қайишлари елкамни қийиб юораётгандек туюлди. «Ахир, бечора типратикан ҳар бир олмани игнасига санчиб келтиргунича қанчадан-қанча азобларни тортди экан. Мен бўлсам, ноинсофлик қилиб, унинг ризқини қийиб ҳаммасини олиб кетяпман». Анчамунча йўл босган бўлсам ҳам орқамга қайтдим. «Ҳалол меҳнат билан топилган насиба ўзига буюрсин» дедимда, олмаларни олган жойимга тўкиб, устини хазонлар билан беркитиб қўйдим.

Ғофур ЖЎРАЕВ.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.15

Буюртма Г— 1124. 1 2 3 4 5 6